

DEMOGRAFIYA VA MEHNAT BOZORI




2026

Elektron ilmiy-ommabop jurnal

(+998) 50-005-45-69

https://t.me/demografiya_mehnatbozori

demografiya_mehnat_bozori@mail.ru



I SON

**DEMOGRAFIYA VA
MEHNAT BOZORI**

2026-yil
1-son

Elektron ilmiy-ommabop jurnal
Электронный научно-
популярный журнал
Electronic popular science
journal

BOSH MUHARRIR:

Umurzoqov Bahodir Xamidovich

MUHARRIR:

Bahriddinova Muazzam Azam qizi

TAHRIR HAY'ATI:

Abduraxmonov Qalandar Xodjaevich, i.f.d., akademik.
Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich, t.f.d., prof.,
Xudoyqulov Sadirdin Karimovich, i.f.d., prof.,
Axmedov Durbek Qudratillaevich, i.f.d., professor
Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.,
Zokirova Nodira Qalandarovna, i.f.d., prof.,
Abduraxmonova Gulnora Qalandarovna, i.f.d., prof.,
Mamadaliyeva Xafiza Xoldarovna, i.f.d., prof.,
Nasimov Dilmurod Abdulloyevich, i.f.d., prof.,
Arabov Nurali Uralovich, i.f.d., prof.,
Irmatova Aziza Baxromovna, i.f.d., prof.,
Tojiyeva Zulxumor Nazarovna, g.f.d., professor
Isayev Faxriddin Ikramovich, i.f.d., prof.
Usmanov Anvar Saidmaxmudovich, i.f.d., professor
Qodirov Abdurashid Madjidovich, i.f.d., professor
Hermann Sterzinger, i.f.d., professor (Germaniya)
Ibragimov Lutfullo Ziyadullayevich, DSc., professor
Qurbonov Paxlavon Rustamovich, DSc, dotsent
Shakarov Zafar Gaffarovich, PhD, dotsent
Gulmurodov Kamoliddin Abduqodir o'g'li, PhD
Hamrokulov Mirabbos Ortiqovich, PhD
Maxmudov Asliddin Sirojiddin o'g'li, PhD

MUNDARIJA

Умурзаков Баходир Хамидович <i>Сурхондарё вилоятида меҳнат ресурслари ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш.....</i>	4
Мамадалиева Хафиза Холдаровна, Баҳриддинова Муаззам Азам қизи <i>Аҳоли миграциясининг хорижий назариялари ва уларнинг илмий-таҳлилий ёндашувлари.....</i>	14
Хамдамов Шах-Жахон Раҳмат оглы, Буриев Иброхим <i>Искусственный интеллект и рост экономической сложности в Узбекистане.....</i>	29
Юлдашев Нурбек Нормуродович <i>Меҳнат мигрантлари фаолияти ва хориждан пул ўтказмаларидан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш.....</i>	39
Musayev Bekzod Murodovich <i>Mirzacho'l iqtisodiy rayoni shaharlarining hududiy tashkil etilishi.....</i>	53
Hamrokulov Mirabbos Ortiqovich <i>Methodological foundations of the impact of demographic trends on labor market in Uzbekistan.....</i>	64
Matkarimova Intizor Atabaevna <i>Demografik qarish, aholini ijtimoiy-iqtisodiy xolatiga ta'siri.....</i>	75
Bahriddinova Muazzam Azam qizi, Omanova Kamola Botir qizi <i>Sun'iy intellekt va innovatsion yondashuvlar asosida tashqi migratsiyadan qaytgan kadrlarni mehnat bozoriga integratsiyalash mexanizmlarini takomillashtirish.....</i>	88
Sobirova Muxlisa Sherali qizi <i>Valyuta kursi o'zgarishining asosiy sabablari va unga ta'sir etuvchi omillar.....</i>	95
Qilichov Ulug'bek Rustam o'g'li <i>O'zbekiston Respublikasining Markaziy Osiyo davlatlari migratsiyasidagi ulushi...</i>	104
Саидова Севара Ёрмамат кизи <i>Совершенствование демографического и экономического развития Республики Узбекистан на основе инструментов цифровой трансформации.....</i>	113
Сайфиддинов Амирхон Давлатович <i>Урбанизация как фактор трудовой миграции и формирования регионального рынка труда в Узбекистане.....</i>	122
Асқарова Муҳаббат Иброхимовна <i>Меҳнат салоҳиятини шакллантиришда инсон омили: таснифланиши ва ўзига хос хусусиятлари.....</i>	137

МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА ХОРИЖДАН ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Юлдашев Нурбек Нормуродович

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар
инститuti бош мутахассиси, катта илмий ходим, (PhD)
ORCID ID: 0-3899-2016
yuldashev-nurbek@list.ru

Аннотация: Ушбу мақола меҳнат миграцияси ва хориждан кириб келаётган пул ўтказмаларидан иқтисодиётда самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган. Тадқиқотда мигрантлар сони, бораётган асосий мамлакатлар географияси, ички ҳудудий таркиби ҳамда пул ўтказмалари тенденциялари атрофлича таҳлил қилинади. Шунингдек, ушбу йўналишлардаги механизмларни такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: меҳнат миграцияси, пул ўтказмалари, Миграция агентлиги, молиявий саводхонлик, хавфсиз ва ташкиллаштирилган миграция, кичик ва ўрта бизнес, иқтисодий барқарорлик, кафолатланган иш ўрни.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ТРУДОВЫХ МИГРАНТОВ И ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ДЕНЕЖНЫХ ПЕРЕВОДОВ ИЗ-ЗА РУБЕЖА

Юлдашев Нурбек Нормуродович

Главный специалист Института макроэкономических
и региональных исследований при Кабинета Министров,
старший научный сотрудник, (PhD)

Аннотация: данная статья посвящена вопросам совершенствования механизмов трудовой миграции и эффективного использования денежных переводов в экономике, поступающих из-за рубежа. В исследовании подробно анализируется численность мигрантов, география эмигрантов, внутренняя территориальная распределения мигрантов и тенденции денежных переводов. Также были выдвинуты научные и практические предложения по совершенствованию механизмов в этих областях.

Ключевые слова: трудовая миграция, денежные переводы, Агентство миграции, финансовая грамотность, безопасная и организованная миграция, малый и средний бизнес, экономическая стабильность, гарантированная занятость.

IMPROVING THE MECHANISMS FOR THE ACTIVITIES OF LABOR MIGRANTS AND THE EFFECTIVE USE OF MONETARY TRANSFERS FROM ABROAD

Yuldashev Nurbek Normurodovich

Chief specialist of the Institute of macroeconomic and regional studies under the Cabinet of Ministers, Senior researcher, (PhD)

Abstract: *This article is dedicated to improving the mechanisms of labor migration and the effective use of remittances from abroad in the economy. The study analyzes in detail the number of migrants, the geography of emigrants, the internal territorial distribution of migrants, and the trends in remittances. Scientific and practical proposals were also put forward to improve the mechanisms in these areas.*

Keywords: *labor migration, money transfers, Migration Agency, financial literacy, safe and organized migration, small and medium-sized businesses, economic stability, guaranteed employment.*

Кириш.

Ҳозирда халқаро меҳнат миграцияси кўплаб мамлакатлар иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг ажралмас қисмига айланди. Айниқса, ривожланаётган мамлакатлар учун меҳнат мигрантлари томонидан юбориладиган пул ўтказмалари аввало ташқи молиявий манбалар орасида муҳим ўрин эгалласа, иккинчидан ўша мамлакатларда меҳнат ресурсларини иш билан бандлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Бироқ бугун ривожланган мамлакатлар чет элдан оддий ишчиларни эмас, юқори малака ва тажрибага, замонавий касблар ҳамда олий маълумотга эга бўлган ишчиларга талабни ошириб, ўрни келганида рақобатга ҳам киришмоқда. Мисол учун, 2025 йил бошида Германия ташқи ишлар вазири Анналена Бербок: “Германияда ҳар йили ўрта ҳисобда 400 минг нафар малакали ишчиларга эҳтиёж мавжуд, кези келганда юқори билимли талаба ва амалиётчилар учун халқаро бозорда курашга киришишимиз зарур”, - деб баёнот берган эди[1].

Ўзбекистонда ҳам меҳнат миграцияси иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Хориждан келаётган пул ўтказмалари аҳоли даромадларини ошириш, ички истеъмолни қўллаб-қувватлаш ва алалоқибат, камбағалликни камайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда аксар вилоятларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ва аҳолининг умумий даромадлари таркибида меҳнат мигрантларининг трансчегаравий пул ўтказмалари улуши сезиларли ошиб бораётгани, меҳнат мигрантлари сони ортаётгани ҳамда уларнинг географик йўналишлари мунтазам ўзгараётгани ушбу соҳаларда илмий таҳлилларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, ушбу мақолада меҳнат мигрантлари фаолиятдан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш, хориждан пул ўтказмалари тенденцияси ва унинг иқтисодийдаги ўрни, шунингдек улардан инвестициявий салоҳият сифатида фойдаланишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Адабиётлар шарҳи

Ўзбекистонда хориждаги ватандошлар, хусусан меҳнат мигрантларини ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий ва бошқа йўналишларда қўллаб-қувватлаш, уларни ҳимоя қилиш доимий диққат эътиборда туради. Бу миллий Қомусимиздан бошлаб қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган[2]. Меҳнат мигрантларини касб-хунарга эга бўлиши, тинч ва хавфсиз ҳамда кафолатланган иш ўринларида банд бўлишларига қаратилган қатор механизмлар жорий этилган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2025 йил 26 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “Касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш – келгуси йил учун дастуримизнинг тўртинчи устувор йўналишидир”- дея қайд этган ҳамда жорий йилдан бошлаб ёшларни замонавий касб-хунарларга тайёрлаш устувор вазифалардан бўлишини билдирган[3]. Ушбу ислохотлар ёшларни нафақат ички бозорда, балки хорижий меҳнат бозорларида ўз ўринларини топиши, сердаромад ва барқарор иш ўринларида меҳнат қилишига ҳам замин яратади.

Шунингдек, 2024 йилнинг 17 октябрида эълон қилинган ПҚ-367-сон “Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш жараёнларини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорда хорижда ташкиллаштирилган ҳолда меҳнат қилишнинг институционал асосларини мустаҳкамлаш, чет мамлакатларда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагидаги фуқароларимизнинг барча ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, ушбу жараёнга хусусий секторни янада кенгроқ жалб қилиш ҳамда кўрсатиладиган хизматларни рақамлаштириш каби мақсадлар белгилаб олинган[4]. Ушбу ҳужжат билан меҳнат мигрантлари учун янги ва уларнинг фаолияти самарадорлигига ёрдам берадиган қатор механизмлар ишга туширилди.

Хорижий мамлакатлар олимлари ҳам айнан меҳнат миграцияси ва иқтисодий тараққиёт борасида қатор изланишлар олиб боришган. Жумладан, меҳнат миграциясининг назарий масалалари бўйича тадқиқотлар олиб борган америкалик олим Дуглас С.Массей иқтисодий тараққиёт ва миграция ўртасида алоқадорликни таҳлил қилиб “иқтисодий ўсиш ҳар доим ҳам меҳнат мигрантларини чет элга чиқиб кетишини пасайтирмайди” деган хулосани билдирган[5]. Ривожланаётган, аниқроғи ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлардаги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш, меҳнат миграцияси географияси, ички ва ташқи меҳнат

бозорларидаги мобиллик даражаси каби масалаларни таҳлил қилган Рональд Скелдоннинг фикрига кўра, “меҳнат миграцияси автоматик равишда камбағалликни қисқартириши, бироқ мамлакат ва ҳудудларда ижтимоий табақалашувнинг кескин ортишига хизмат қилади”[6].

Россиялик қатор тадқиқотчиларнинг асарларида ҳам меҳнат миграцияси ижтимоий-иқтисодий, демографик ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда аҳоли механик ҳаракатининг энг муҳим шакли сифатида қаралади. Жумладан, Ж.А.Зайончковскаянинг фикрига кўра, “меҳнат миграцияси - бу минтақалар ва мамлакатлар ўртасидаги мавжуд шароит ҳамда иш билан таъминлаш имкониятлари ўртасидаги фарқдан келиб чиқадиган аҳолининг ҳудудий ҳаракатчанлиги шакли”дир[7]. Ушбу фикрлар юқорида қайд этилган Д.Массейнинг айрим назарияларига мос келади. С.В.Рязанцевнинг бу борадаги фикри яна бир ўзига хос хулосани юзага келтиради. Хусусан у: “меҳнат миграциясининг кучайиши уларни қабул қилувчи ҳудуд меҳнат бозоридаги бўшлиқлар туфайли юзага келади”, деган бўлса[8], В.А.Ионцев “меҳнат миграцияси — глобал иқтисодий жараёнларнинг алоҳида элементи ҳамда давлат сиёсатининг объекти”, - деб ҳисоблайди[9].

Шу ўринда Жаҳон банки гуруҳининг 2024 йилда эълон қилинган “Олдинга йўл: Европа ва Марказий Осиё минтақасида муваффақиятли миграцияни қўллаб-қувватлаш” мавзусидаги таҳлилий ҳисоботида Ўзбекистонда мигрантлар пул ўтказмаларининг ЯИМдаги улуши 14 фоизга етганини қайд этгани ҳолда, пул ўтказмалари бўлмаганида мамлакатдаги камбағаллик даражаси 9,6 фоиздан 16,8 фоизгача ошиши мумкин эди, деган хулосани билдирган[10].

Ўзбекистонда қатор иқтисодчилар ва демографлар мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига ижобий, аммо ижтимоий-демографик барқарорлигига биров салбий таъсир этиши кутиладиган меҳнат миграциясига нисбатан эҳтиёткорлик билан ёндошади. Жумладан, академик С.Ғуломов ва проф. М.Муҳаммедовлар томонидан 2020 йилда эълон қилинган таҳлилий мақолада[11] “Бизнингча, меҳнат миграциясини – Ўзбекистон учун иқтисодий жиҳатдан зарарли, мамлакат равнақи йўлидаги энг катта тўсиқлардан бири сифатида баҳолаш лозим. Маънавий жиҳатдан бой тарихга, ибратли анъаналарга, халқлар ўртасида ўзига хос обрў-эътиборга эга бўлган халқимизнинг шон-шуҳрати ва шаънига тамоман мос келмайдиган воқелик сифатида қараш лозим. Шу сабабли меҳнат миграциясида юрганларни ўз юртига қайтаришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиб, уларни амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқ”, деган ҳолда хулоса берилиши қайсидир маънода олимларимизнинг ҳақлигини кўриш мумкин. Балки, бир неча йиллар аввал мамлакатдан чиқиб кетувчи мигрантларнинг катта қисми асосан Россияда ва бўлиб ҳам, энг паст маош ҳамда оғир шароитли ишларда ишловчилар кўпчиликини ташкил этган даврларда шу хулосага келишган бўлиши

мумкин. Аммо доимий ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган ҳамда юқори маош ва яхши шароитда ишлаш орзусидаги ишсиз ёшлар, бундай шароитни таклиф қилаётган мамлакатлар кўпайиб бораётгани меҳнат мигрантлари оқимини пасайтирмайди. Шу билан бирга, сўнгги йилларда мамлакатда аҳоли даромадлари таркибида хориждан пул ўтказмалари улуши сезиларли ортиб бораётгани меҳнат мигрантлари фаолиятдан самарали фойдаланиш зуруриятини асослайди.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада меҳнат миграцияси жараёнлари ва хориждан пул ўтказмаларининг миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсирини баҳолашда қатор тадқиқот усулларида фойдаланилди. Жумладан, умумий, статистик ва қиёсий, эмпирик ҳамда SWOT таҳлил (меҳнат миграцияси сиёсатининг кучли ва заиф томонларини баҳолаш) усулларида фойдаланилди. Бундан ташқари, меҳнат миграциясини самарали бошқариш ва пул ўтказмаларидан оқилона фойдаланиш бўйича Россия Федерацияси, Индонезия, Вьетнам, Филиппин, Ҳиндистон ва Канада каби мамлакатлар тажрибаси ўрганилди ва уларнинг амалиёти қиёсий таҳлил қилинди. Шунингдек, мамлакатимиздаги қатор вазирлик ва идоралар, Жаҳон банки ва Халқаро миграция ташкилоти маълумотларидан фойдаланилди.

Таҳлиллар ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистонда меҳнат мигрантлари сони, асосий йўналишлари ва географияси, мамлакатимизга юборилаётган пул ўтказмалари ҳажми борасидаги таҳлилларни бошлашда аввало, юқоридаги аксар жараёнларнинг ортиб бориш хусусиятига эгаллиги, айримларини эса кескин ортаётганини қайд этиш зарур. Аммо ушбу жараёнларнинг сўнгги йиллардаги тенденциялари бир қатор ютуқ ва муаммоларни вужудга келтирмоқда. Улар қуйидагилардир:

Биринчидан, сўнгги йилларда давлат ва нодавлат бандлик агентликлари томонидан фуқароларни расмий равишда, ташкиллаштирилган ҳолда ва хавфсиз меҳнат миграциясига юбориш, уларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлашга эътибор оширилмоқда. Натижада расмий меҳнат мигрантлари сони ортиб бормоқда. Хусусан, 2019-2020 йилларда жами чет элга кетганларнинг 3 500 дан ортиғи (тахминан 0,15 %) расмий юборилган бўлса, 2023 йилга келиб бу рақам салкам 40 000 кишига, 2024 йилга келиб 160 минг кишидан ортган[12]. 2025 йилда эса ушбу йўналишда 200 мингдан ортиқ ватандошларимиз қамраб олиниши режалаштирилган[13].

Шу билан бирга, меҳнат мигрантлари юборилаётган давлатлар ва иш ўринлари географияси ҳам сезиларли ортиб бормоқда. Аввалги даврларда чет элга ишлаш учун борганларнинг катта қисми асосан Россия ва

Қозоғистондан иш топган бўлса, бугунги кунда Европа мамлакатлари, Шарқий Осиё, Яқин шарқдаги араб мамлакатлари ва Туркияга бориб ишлаш имкониятлари кенгаймоқда.

Ушбу йўналишдаги асосий муаммолар сифатида чет элда ишловчилар орасида расмий жўнатилганларнинг улуши нисбатан камлигича қолаётганини қайд этиш зарур. Бугунги даврда хорижда ишловчиларнинг тахминан 10,0 фоизи расмий ишлаётгани, ушбу йўналишда ҳукумат ва хусусий бандлик агентликлари олдига катта вазифаларни қўяди. Аслида кафолатланган иш ўрни ва яхши маош, ташкилий-ҳуқуқий масалаларда хотиржамлик ватандошларимизнинг расмий миграцияни танлашига ундаши зарур. 2019-2025 йиллардаги таҳлилларга кўра, жами аҳоли таркибида меҳнат мигрантлари улуши салкам 7,0 %дан 5,0%га камайгани, бўлиб ҳам бу даврда хориждан пул ўтказмалари ҳажми 3 баробардан ортиққа ўсгани ижобий ҳолатдир (1-жадвал).

1-жадвал

Меҳнат миграцияси бўйича айрим кўрсаткичлардаги ўзгаришлар*

Кўрсаткичлар	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025
Меҳнат мигрантлари сони (минг киши)	2339,7	1838,2	1456,8	1854,7	2047,9	1377,6	1856,6**
Жами аҳолига нисбатан улуши, %да	6,9	5,3	4,1	5,1	5,6	3,7	4,9
Пул ўтказмалари ҳажми (млн.долл)	6021,8	6009,0	8073,7	16972,9	11390,6	14851,0	18900,0
Ўтган йилга нисбатан ўзгариш, %	17,7	-0,2	34,4	110,2	-32,9	30,4	27,3
Пул ўтказмалари ҳажмининг ЯИМдаги улуши, %	8,5	8,6	9,9	17,9	10,6	12,2	12,8
Россиядан ўтказмалар (млн долл)	4902,0	-	-	14766,4	8884,6	11435,3	14742,0
Жамига нисбатан, % да	81,4	-	-	87,0	78,0	77,0	78,0

Изоҳ: 1. * Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, Миллий Статистика қўмитаси, Марказий банк ва бошқа очиқ манбалар асосида муаллиф томонидан тузилди.

2. **Меҳнат мигрантлари сони 2025 йилнинг январ-сентябр ойларидаги меҳнат ресурслари баланси маълумотларидан олинди. Қолган маълумотлар йил якуни бўйича олинган.

Аммо, бизнингча кўпроқ мигрантларни расмий кафолатланган иш ўринларида ишлаши уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини, яъни пул ўтказмалари ҳажми ҳамда иш тажрибалари ва кўникмаларини янада ошириши мумкин.

Иккинчидан, сўнгги пайтларда ҳудудлар кесимидаги таҳлилларда жами меҳнат ресурслари таркибида меҳнат мигрантлари чиқиб кетадиган “анъанавий ҳудудлар” шаклланиб қолмоқда. Жумладан, 2019-2023 йилларда 14 та ҳудуд орасида жами меҳнат ресурслари таркибида чет элга

ишлаш учун кетганлар улуши бўйича юқори ўринларда Хоразм ва Андижон вилоятлари турган бўлса, сўнгги икки йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти етакчилик қилган (2-жадвал). Ўрганилаётган даврда доимий равишда ишсизлик ва камбағаллик даражаси паст бўлган Навоий вилояти ва Тошкент шаҳри юқоридаги улуш бўйича энг қуйи ўринларда қайд этилган. Аммо Хоразм, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бошқа ҳудудлар орасида ишсизлик ва камбағаллик даражаси бўйича ҳам энг юқорида эмаслиги “қаерда ишсизлик юқори бўлса меҳнат мигрантлари улуши ҳам юқори бўлади” деган фикрни инкор қилади.

2-жадвал

Ҳудудларда жами меҳнат ресурслари таркибида чет элга ишлаш учун кетганлар улушидаги ўзгаришлар (% ҳисобида, йил бўйича)

№	Ҳудудлар	2019 йил	2021 йил	2023 йил	2025 йил*	2019-2025 й.да ўзгариш, ф.п
1	Қорақалпоғистон Рес.	14,8	10,2	14,6	13,5	-1,3
2	Андижон вилояти	17,2**	11,7	14,7	11,3	-5,9
3	Бухоро вилояти	14,4	6,7	9,9	11,6	-2,8
4	Жиззах вилояти	10,6	4,6	6,4	5,0	-5,6
5	Қашқадарё вилояти	11,7	6,3	8,5	8,8	-2,9
6	Навоий вилояти	7,3	3,8	7,0	5,0	-2,3
7	Наманган вилояти	13,8	4,5	8,7	7,6	-6,2
8	Самарқанд вилояти	15,2	10,1	13,8	11,0	-4,2
9	Сурхондарё вилояти	13,5	5,8	9,6	11,2	-2,3
10	Сирдарё вилояти	15,6	5,9	7,8	8,3	-7,3
11	Тошкент вилояти	7,6	8,2	10,2	6,7	-0,9
12	Фарғона вилояти	14,5	7,2	9,8	7,6	-6,9
13	Хоразм вилояти	16,6	11,4	15,6	15,8	-0,8
14	Тошкент шаҳри	6,8	5,1	5,5	4,5	-2,3

Изоҳ: 1. * 2025 йилнинг дастлабки 9 ойи натижалари бўйича

2. **Яшил ранг билан белгиланган рақамлар ҳудудлар орасида энг юқори, кўк рангда белгиланганлари энг паст кўрсаткичлардир.

Ҳудудларда меҳнат ресурслари таркибида чет элда ишлаётганлар улушининг юқорилиги, ҳудуд аҳолиси даромадлари ўсиши ҳамда маҳаллий иқтисодиётнинг кўтарилишига ҳисса қўшиши табиий ҳол. Меҳнат мигрантларининг чет элда фаолият юритиши хорижий тил, замонавий касблар ва энг муҳими, тажриба орттиришига катта ҳисса қўшади.

Шу билан бирга, ушбу йўналишда мавжуд муаммолар сирасига айрим вилоятлардаги, айниқса қишлоқ жойлардаги аҳолининг даромадлари асосан чет элда ишлашдан келаётган маблағларга боғланиб қолиши ортаётгани ҳамда мигрантлар бориб меҳнат қилаётган мамлакатлар, биринчи навбатда Россия Федерациясидаги сиёсий, иқтисодий ва

ижтимоий ўзгаришларга боғлиқлиги кузатилмоқда. Айниқса Россия-Украина ўртасидаги сиёсий муносабатлар, Европа ва АҚШ санкциялари ҳамда айрим йилларда рублнинг кескин қадрсизланиши каби омиллар ҳудудларда аҳолининг катта қисми Россиядан ўтказмаларга кучли боғланиб қолиш хавотирли бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Гарчи 2025 йилда Россиядан ўтказмалар жами ўтказмаларнинг 78,0 фоизини, яъни катта қисмини ташкил этаётган бўлсада, 2022 йилдаги 87,0% лик улушдан сезиларли пасайгани, буни устига сўнгги йилларда Россияга экспорт ҳажми ортидан пул ўтказмалари ҳам кўпайишини қайд этиш лозим.

Бундан ташқари, 20-45 ёшдаги кетаётган мигрантларнинг айна оила қуриб, фарзандлар тарбия қиладиган пайтида чел элда ишлаши, натижада болалар ва аёллар ўртасида турли ижтимоий ва маиший муаммолар, жумладан оилавий низолар, ажримлар ортишини ҳам инкор этмаслик зарур. Айниқса болалар тарбияси ҳамда вояга етмаганларнинг оила ва таълим масканларидаги муносабатларида ота-она тарбияси муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳозирги вақтда бу ҳолат янада салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Сўнгги йилларда аёллар ўртасида ҳам доимий меҳнат миграцияси йўналишлари пайдо бўлиб, уларнинг сони ортиб бораётгани ҳам юқоридаги муаммолар кучайишига сабаб бўлади.

Маълумот ўрнида қайд этиш лозим: 2022 йилда “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти (ҳозирги “Оила ва гендер” ИТИ) ходимлари томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, ўрганилган оилавий ажримларнинг 6,6%ида сабаб сифатида респондентлар турмуш ўртоғининг меҳнат миграциясига кетганини кўрсатган бўлса, 10,9%и “агар турмуш ўртоғим хорижга ишлаш учун кетмаганида оиламни сақлаб қолса бўлар эди”, деб жавоб берган[14].

Учинчидан, қисман юқоридаги таҳлилнинг давоми сифатида 2019-2025 йилларда ҳудудлар кесимида аҳолининг умумий даромадлари таркибида республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг улушида ҳам юқори ўзгаришлар қайд этилган. Умуман, барча ҳудудларда, ҳатто Навоий вилояти ва Тошкент шаҳри (анъанавий меҳнат миграцияси даражаси паст бўлган ҳудудлар)да ҳам таҳлил қилинаётган йилларда аҳоли даромадлари таркибида пул ўтказмаларининг улуши ортган. Бу борада энг юқори ўсиш Фарғона вилоятида қайд этилиб, 2019-2025 йилларда ушбу кўрсаткич 16,2 фоиз пунктга, деярли икки баробарга ошган (3-жадвал). Бундан ташқари, 3 та ҳудуд (Фарғона, Хоразм ва Андижон вилоятиларида)да ушбу кўрсаткич 30,0 фоиздан ошган бўлса, яна 4 та ҳудуд аҳоли даромадларининг 1/4 қисмини айнан хориждан пул ўтказмалари ташкил этган.

3-жадвал

Аҳолининг умумий даромадлари таркибида хориждан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг улуши (% ҳис)

№	Вилоятлар	2019 йил	2021 йил	2023 йил	2025 йил	2019-2025 йи даги ўзгариш, ф.п.
1.	Қорақалпоғистон Респ	15,9	20,0	16,7	18,3	+2,4
2.	Андижон вилояти	20,4	22,2	22,8	30,0	+9,6
3.	Бухоро вилояти	17,9	19,2	18,8	24,5	+6,6
4.	Жиззах вилояти	6,4	7,4	7,8	9,7	+3,3
5.	Қашқадарё вилояти	16,2	18,7	18,1	24,5	+8,3
6.	Навоий вилояти	4,8	4,3	4,1	5,3	+0,5
7.	Наманган вилояти	17,3	19,4	19,1	22,8	+5,5
8.	Самарқанд вилояти	20,6	25,3	22,5	28,8	+8,2
9.	Сурхондарё вилояти	19,3	21,6	21,1	26,7	+7,4
10.	Сирдарё вилояти	10,7	11,3	10,6	13,1	+2,4
11.	Тошкент вилояти	5,8	5,4	4,8	6,2	+0,4
12.	Фарғона вилояти	16,3	18,8	20,7	32,5	+16,2
13.	Хоразм вилояти	24,4	27,1	24,2	31,1	+6,7
14.	Тошкент шаҳри	12,5	10,6	10,9	13,8	+1,3

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Миллий Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

3-жадвалда қайд этилган ҳолатлар, бир томондан аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишга ҳисса қўшишини кўрсатсада, бошқа томондан ҳудудларда келгусида тажрибали ва малакали ишчи кучининг четга чиқиб кетиши натижасида маҳаллий меҳнат бозорларида баъзи муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Аммо бу жараён ҳозирги ишчи кучи ортиқча бўлган ҳолатда кутилмайди. Бироқ ўртача ойлик маош нисбатан паст бўлган иқтисодиётнинг баъзи тармоқларида, хусусан, тиббиёт ва таълимда ишчи кучи етишмаслигининг илк ҳолатлари намоён бўлмоқда.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда меҳнат миграцияси географиясининг кенгайиши (диверсификация) сўнгги йилларда жадаллик билан бормоқда. Гарчи Россия Федерациясига борувчилар ҳамон асосий улушни эгаллаб турган бўлса-да, бошқа давлатлардан келаётган маблағларнинг ўсиш суръати ортмоқда.

Мисол учун, Марказий банкнинг 2025 йил 1-ярмидаги ҳисоботларига кўра, меҳнат миграцияси географиясининг ўзгариши ва ишчи кучининг мамлакатлараро диверсификацияси фаол давом этаётганлиги натижасида АҚШ (+43%), Германия (+64%), Польша (+93%) ва Жанубий Кореядан (+90%) пул ўтказмалари ҳажми олдинги йилнинг ушбу даврига нисбатан юқори ўсиш кузатилган [15]. Ушбу ҳолат аҳоли даромадлари сезиларли

ошиши билан бирга ички инфляция ҳамда миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан барқарорлигини таъминлашига хизмат қилади.

4-жадвал

Истиқболда меҳнат миграцияси географиясидаги кутилмалар (2027-2030 йй)

Йўналиш	Соҳалар	Ўзгариш динамикаси	Сабаблари
Россия	Қурилиш, савдо, хизмат кўрсатиш	Пасайишда	Миграция сиёсати ва талабларнинг кучайиши, ички ва ташқи сиёсат бўйича хавотирлар мавжудлиги
Германия ва Польша (Евроиттифоқ)	Логистика, саноат, тиббиёт	Тез ўсишда	Иш ўринларига доимий талаб мавжудлиги ҳамда юқори маош таклиф этилаётганлиги
Жанубий Корея/Япония	Ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги	Барқарор ўсишда	Доимий квоталар белгиланиб, таклиф этиладиган иш ўринлари сони аниқлиги
Буюк Британия	Мавсумий қишлоқ хўжалиги	Юқори ўсишда	Иш ўринларига доимий талаб мавжудлиги ҳамда юқори маош таклиф этилаётганлиги
Араб мамлакатлари, Яқин Шарқ	Хизматлар, туризм, қурилиш	Барқарор ўсишда	Миграция агентлиги бўш иш ўринларини таклиф этаётгани ва юқори маош
Туркия	Хизматлар, савдо	Барқарор ўсишда	Юқори маош таклиф этиладиган иш ўринлари мавжудлиги, маҳаллий менталитетнинг нисбатан яқинлиги

Manba: Muallif tadqiqotlari asosida shakllantirilgan.

Меҳнат миграцияси географияси кенгайишининг салбий томонлари юқорида санаб ўтилган омилларга нисбатан пастроқ бўлса-да, Ўзбекистонда диверсификацияни янада кенгайтириш, доимий иш берувчи мамлакатларда кутилмаган сиёсий-иқтисодий ҳолатлар рўй берганида бошқа мамлакатларга тез мослашиш, иложи борича ҳукумат ва соҳага мутасадди ташкилотлар томонидан янги меҳнат миграцияси йўналишларини аниқлаб, битимлар тузиш мақсадга мувофиқ (4-жадвал). Бу борада биргина Россия Федерациясининг жорий йилдан бошлаб меҳнат миграцияси қонунчилигига киритаётган таъсирчан чоралари ҳамда қаттиқ талаблари уларга мослашиш ёки бошқа йўналишларни (мамлакат ва минтақалар) танлашга қаратилган чораларни кўришни тақозо этади.

Бешинчидан, мамлакатимизда ушбу йўналишда учраётган муаммолар ҳамда уларнинг ечимига тўғри ҳамда одилona ёндашишга бағишланган илмий ва амалий тадқиқотлар кам ўтказилмоқда. Аслида сўнгги йилларда шиддат билан ривожланаётган ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва аҳоли фаровонлигига сезиларли таъсир ўтказётган йўналишлар қаторида

меҳнат миграцияси соҳасида изчил тадқиқотлар ўтказиш, натижалари бўйича эса қарор қабул қилувчилар ҳамда кенг оммага етказиб бориш амалиёти йўлга қўйилиши, айрим кўрсаткичлар очиқ бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Маълумот учун: Жаҳон банкининг 2018-2025 йилларда “Ўзбекистон фуқароларини тинглаб” (Listening to the Citizens of Uzbekistan Survey 2018-2025) тадқиқотлари натижаларига кўра, сўров ўтказилган уй хўжаликларининг салкам 18,0%ида ҳозирда хорижда меҳнат қилаётганлар борлигини билдирган бўлса, шундан 67,3%и Россияда, 9,7%и Қозоғистонда, 6,6%и Жанубий Кореяда, 4,3%и Туркияда ва 3,0%и АҚШда эканлигини билдирган. Сўровларда сўнгги йилларда кескин ортиб бораётган йўналиш — Европа мамлакатларида ишлаётганлар борлигини билдиришмаган. Чет элда меҳнат қилаётганларнинг 40,0%и ўрта, 47,8%и ўрта махсус ва касб-ҳунар ҳамда 8,1%и олий маълумотга эга эканлигини билдирган [16].

Ёки Россия Федерациясидаги “Мигрант-сервис” платформаси 2024 йилда 63 минг нафар иштирокчилар орасида ўтказган сўровга кўра, Россия Федерациясидаги ўртача статистик меҳнат мигрантининг портрети тузилган. Унга кўра, мигрант Ўзбекистонлик, ёши 28 да, оилали ва эътиқодли, маошининг катта қисмини оиласига юборади, тежамкор ва иш ўрнини ўзгартирмайди[17]. Бундан ташқари, яна кўплаб кўрсаткичлар бўйича сўровлар натижалари умумлаштирилган ҳамда таҳлиллар эълон қилинган.

Юқоридаги икки манбада Ўзбекистон меҳнат мигрантлари ва уларнинг хориждан пул ўтказмалари бўйича амалга оширган тадқиқотларидан намуналар келтирилган. Бизнингча, тегишли вазирлик ва идоралар, илмий муассасалар мунтазам равишда, чуқур таҳлилларга асосланган илмий тадқиқотлар амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса ва таклифлар.

1. Меҳнат миграцияси орқали расмий ва муносиб иш ўрни ҳамда юқори даромадга эга бўлиш истагидаги фуқароларни ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига жалб этиш кўламини янада ошириш зарур. Бунинг учун Ўзбекистон-2030 стратегияси каби муҳим меъёрий ҳужжатлар ва соҳавий дастурлар орқали ушбу масалага мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотларига жами меҳнат мигрантлари орасида қонуний ва расмий юборилаётганлар улушини босқичма-босқич ҳозирги 10,0 %дан камида 50,0 %гача ошириш бўйича мақсадли индикаторлар белгилаб олиниши тавсия этилади.

Маълумот учун, Ўзбекистон-2030 стратегиясида “ишга жойлаштириш бўйича хорижий давлатлар билан келишувлар сонини 30 тага ошириш” мақсади белгиланган, ammo расмий ишга жўнатиладиганлар сони бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланмаган.

Умуман олганда, бундан бир неча йил олдин “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисидаги” қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб муҳокамага қўйилган эди. Аммо у яқунда айрим сабабларга кўра қабул қилинмади. Бизнингча, барибир ташқи меҳнат миграцияси масалаларини ҳар тарафлама тартибга солиш учун ушбу ҳужжат қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бундай чоралардан кўзланган мақсадлар сифатида мигрантларнинг хавфсизлиги, ҳуқуқлари ҳимояси билан бир қаторда борадиган мамлакатларидаги аҳоли тили, маданияти, маҳаллий қонунчилигидан хабардор бўлиши, иш берувчи мамлакатлар орасида ўзига хос ҳурмат қозониши каби афзалликларни инобатга олиш зарур.

2. Канада, Янги Зеландия, Австралия каби мамлакатлар меҳнат миграциясидан фойдаланиш тизимларида чет элдан келадиган меҳнат мигрантларини махсус балл тизими орқали (KPI) саралаб олиш йўлга қўйилган. Бунда иш берувчи ташкилотлар келадиган мигрантни ёши, маълумоти, иш тажрибаси, малакаси, оилавий ҳолати, жисмоний ва руҳий саломатлиги ва бошқа қатор кўрсаткичлар орқали тўпланган баллидан келиб чиқиб нафақат иш беради, балки тўланадиган иш ҳақи, ижтимоий бонуслар, шартнома муддатлари кабиларни ҳам баллдан келиб чиқиб белгилаши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, келгусида Ўзбекистонда ҳам юқоридаги мамлакатларга ва бошқа юқори маош тўланадиган минтақаларга бормоқчи бўлган меҳнат мигрантларини ўзига хос KPI тизими орқали баҳолаш ҳамда саралаш тартиби йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ. Бу чоралар меҳнат мигрантлари самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

3. Меҳнат мигрантлари фаолияти самарадорлигини ошириш йўлидаги энг муҳим тадбирлардар бири сифатида уларни касб-хунар ва хорижий тилларга ўқитишга кенг жалб қилиш, кетишдан олдинги тайёрлов механизмларини янада такомиллаштиришдир. Гарчи бу борада бугунги кунда кенг шароитлар яратилган, Жанубий Корея, Япония каби мамлакатларга бормоқчи бўлганлар хорижий тил ва зарур касбларни пухта ўрганиб кейин кетишлари талаб қилинаётган, Россия Федерацияси нафақат рус тили ва зарур касблар, ҳаттоки мамлакат тарихи ва маданиятидан хабардор бўлиш талабларини қуяётган ҳозирги даврда Ўзбекистондан борган мигрантлар юқори малака ва касб-хунарга эга бўлишига эътиборни ошириш долзарблигини йўқотмайди.

Бунинг учун мунтазам меҳнат миграциясига чиқадиган, айниқса мавсумий ишлайдиган ватандошларимизни юртимизда бўлган вақтларида ўз касбини такомиллаштириши, малакасини ошириши, илк бор миграцияга чиқаётган ёшларни мослаштириш, қолаверса янги касб-хунар ва хорижий тилларни онлайн ва оффлайн шаклда ўқитишни кенг жалб этиш ва кучайтириш, бунда ўзига хос рағбатлантирувчи механизмларни амалиётга киритиш мақсадга мувофиқ. Мисол учун, янги касбларни эгаллаб чет элга

чиқиб кетаётган ватандошимизни ҳеч қандай ҳунари йўқ тенгдошига нисбатан қандайдир имтиёзлари, мисол учун, болалари мактабгача таълимдан фойдаланишда имтиёзлар бўлиши ватандошларимизнинг касб-ҳунар ва малака сифатини оширишига қисман туртки бўлиши мумкин. Бунда фақат ўзига хос келишув бўлиши, мисол учун мигрант мунтазам равишда ўз оиласига пул ўтказмаларини амалга ошириб бораётганлиги ёки минимал ижтимоий солиқ тўлаб келган бўлиши талаблари қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Ўз ўрнида, чет элда меҳнат қилаётган ватандошларимизнинг тўланаётган ижтимоий солиқ, бу аввало уларнинг кексалик нафақаси учун ажратилаётганлигини ҳамда уларга солинаётган мажбурий солиқ эмаслигини, балки ихтиёрий тўлов эканлигини кўпроқ тарғиб қилиш тавсия этилади.

4. Меҳнат мигрантлари фаолияти ва хориждан пул ўтказмалари самарадорлигини оширишда уларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, сармояларини фойдали инвестицияга айлантириш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини кўчайтириш зарур. Меҳнат миграциясига чиқаётган ёшларга турли воситалар орқали уларнинг иш ҳақлари мақсадсиз ва иккиламчи фойда келтирмайдиган ресурсларга сарфланмаслигини уқтиришга қаратилган чоралар кўрилса фойдадан ҳоли эмас. Ҳаттоки, миграциядан олинган даромаддан бошланган бизнес учун маълум имкониятлар берилиши ёхуд шундай даромад орқали яширин иқтисодийда шуғулланган бўлса расмийга ўтишини рағбатлантирувчи механизмларни босқичма-босқич ҳамда маълум шартлар эвазига жорий этилиши мигрантнинг оиласи ва ҳудуд иқтисодий тараққиёти учун фақатгина ўсишга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. <https://www.auswaertiges-amt.de/de/newsroom/2692150-2692150>
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 01.05.2023.
<https://lex.uz/docs>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Ва Ўзбекистон Халқига Мурожаатномаси. 26.12.2025.
<https://president.uz/uz/lists/view/8834>
4. <https://lex.uz/docs/7170464>
5. Massey D. S. "International Migration And Economic Development In Comparative Perspective" <https://books.google.co.uz/books?id=Bm4paaaayaaj>
6. Skeldon Ronald "Migration And Poverty" 01.12.2002, - Asia-Pacific Population Journal (United Nations Publications) - Vol. 17, Iss: 4, Pp 67-82.
7. Зайончковская Ж.А. И Др. "Трудовая Миграция В Россию: Как Двигаться Дальше" Макс Пресс, 2012, Москва. Серия Специальных Докладов.
8. Рязанцев С.В. И Др. "Миграционный Кризис: Последствия Для Европы И Уроки Для России // Мгимо, 2017.

9. Ионцев В.А. И Др. "Роль Международной Миграции Населения В Демографическом Развитии России". Сборнике Национальные Демографические Приоритеты: Подходы И Меры Реализации. 2019 Г. "Экон-Информ Москва", Том 5, С. 420-423.
10. <https://Openknowledge.Worldbank.Org/Entities/Publication/15c01ee0-В9ef-4f8a-95a1-8b454f594cf8>
11. Гулямов С.С., Муҳаммедов М.М. "Меҳнат Миграцияси Ва Унинг Салбий Оқибатларини Бартараф Этиш Йўллари" 24.11.2020. <https://Review.Uz/Oz/Post/Mehnat-Migraciyasi-Va-Uning-Salbiy-Oqibatlarini>.
12. <https://Qalampir.Uz/En/News/Uzbekistonlik-Me%D2%B3nat>
13. <https://Uza.Uz/Ru/Posts/Mehnat-Migraciyasida-Evropa-Davlatlarining-Ulushi-Ortmoqda> 751882
14. https://Demografiya.Uz/Storage/2023/02/Oilavij_Azhralishlar_Va_Uning_Sabablari
15. https://Cbu.Uz/Oz/Press_Center/Reports/1802323/?Sphrase_Id=611798
16. <https://Microdata.Worldbank.Org/Catalog/6412/Get-Microdata>
17. <https://Podrobno.Uz/Cat/Obchestvo/Srednestatisticheskiy-Trudovoy-Migrant-V-Rossii-V-2024-Godu-Uzbekistanets-Vyvody-Rossiyskikh-> .

DEMOGRAFIYA VA MEHNAT BOZORI

BOSH MUHARRIR:

Umurzoqov Bahodir Xamidovich

MUHARRIR:

Bahriddinova Muazzam Azam qizi

